

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 236 (10.289)

2004 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўққунлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳафсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм

қилиниб, тузалиш йўлига қатый ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми куйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озоликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озоликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига.

8. Тадбиқ этилмасин:


а) мазкур Фармон - ўта ҳаффи рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаятган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-4, 6, 7-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳафсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга кириди ва уч ой мубайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 декабрь



Бугун Тошкентда иккинчи чақириқ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади



«Ижод-ижод» хусусий корхонасининг янгиликка интилувчан ижодкорлари томонидан тайёрланаётган миллийликка йўғрилган маҳсулотлар тарихий обидаларимизни қайта таъмирлашда ниҳоятда кўл келмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг керамика чеҳи бошиғи Баҳодир Раҳимов шогирдлари ишини кўздан кечирмоқда.

САЙЛОВОЛДИ МАШВУҚОТ

БУГУН



ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

XXVI сарфоси

Барча жанбаларда
опингга сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Кеча Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат, Ёшлар ишлари кўмиталари ҳамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг сессияюлди йиғилишлари ўтказилди.

• Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисадаги депутатлари фракцияси, шунингдек Ҳокимият вакиллик органлари ҳамда Сайловчилар ташаббускор гуруҳ-

лари депутатлар блокларининг ҳам йиғилишлари бўлиб ўтди.

• Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат марафонининг учинчи йўналиши Наманган шаҳридаги Конституция майдонидан бошланди.

• Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида ёшларни Миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• Навоий шаҳар ногиронлар жамияти Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб аънаваний «Марафон-2004» Республика танловини ўтказди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкилот микёсида ислохотлар ўтказиш

ҳақидаги ҳисоботни эълон қилди.

• БМТ Бош котиби Кофи Аннан украин халқини бирликти сақлашга чақирди.

• Украина президенти Леонид Кучма сайловларининг иккинчи тури қайта ўтказилиши ҳақидаги гоёни қўллаб-қувватламаслигини, янгидан сайлов ўтказиш тарафдори эканлигини билдирди.

• АҚШ ички ҳафсизлик ишлари вазири Том Ридж истеъфо берди.

• Филиппин оролларида рўй берган сув тошқини ва ер чўқиши оқибатида сўнги маълумотларга кўра 345 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 152 нафари бедарак йўқолган.

• Мисрдаги Александрия-Қоҳира тезюрар трасасида катта тезликка келаятган микроавтобуснинг жарга кулаши натижасида 12 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.



• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкилот микёсида ислохотлар ўтказиш

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда



Бундан ўн уч йил олдин жаннатмонанд юртимизда истиклол кўёби балқиди, хурлик шабодасидан кўнгиллار яйради. Ўз тақдирини ўзи хал қила олишдек саодатга эришган озод ўлка тараккиётга юз бурди. Миллат ва мамлакат қаддини ростлашда навқирон мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Буни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий оксаллининг тарихан қисқа, аммо асрларга татиғулик даври, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг халқимизга хос ва мос йўли ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Мирзоуллубек АБДУСАЛОМОВ билан мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий асоси — Конституциянинг яратилиш жараёни, мазмун моҳияти ва уни ўрганиш масалалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз Конституцияси гарчи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлса-да, унинг яратилиш гоёси Президентимиз Ислам Каримов томонидан собиқ шуро тузуми ўз сиёсатини юритиб турган таҳликалар бир пайтда жасорат билан илгари сурилган эди, — деди М.Абдусаломов. — Буни кўз олдимизга келтириш учун, аввало, ўша даврнинг талотўпларини, республикамизда юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятни эсламоғимиз даркор.

Фарғона водийсида 1989 йилнинг май-июнь ойларида рўй берган фожиралар ҳамон кўз ўнгимизда. Шундай оғир вазиятда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари этиб сайлангани катта воқеа бўлган. Ушанда Юртбошимиз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, оломон ичига кириб, кишиларни тўғри йўлга бошлагани. Шу тариха мамлакатимиз раҳбари таҳликали вазиятларда жасорат ва қатъият кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолишга эришди.

Шуро салтанати хали мавжуд бўлган 1990 йилнинг 2 майда Президентимиз Ўзбекистонда ҳар йили 21 март — Наврўз байрами дам олиш куни, деб эълон қилиниши ҳақидаги Фармонга имзо чекди. Ўша йилнинг 2 июнида юртдошларимизнинг Саудия Арабистонига ҳаж сафарини уюштириш тўғрисидаги Фармон эълон қилинди. 1991 йил 11 апрелда Рамазон ҳайити муносабати билан Фармон қабул қилинди, 20 июнга тўғри келган Курбон ҳайити ҳам дам олиш куни, деб эълон этилди. Буларнинг бари хурлик, миллий уйғонish ҳамда ўз-ўзини англаш сари қўйилган дастлабки дадил оғимлар эди. Зеро, мураккаб вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш ҳам-манинг ҳам қўлидан келвермайдими.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиб гоёси туғилди. Дастлаб Олий Советнинг 1990 йил 24 мартда ўтган биринчи сессиясида бу ҳақда сўз борди. Мазкур сессияда совет республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилди. Собиқ иттифоқ амал қилиб турган хатарли шароитда мазкур гоё мамлакатимиз раҳбарининг мустақиллик йўлидаги қатъий қадами бўлди.

1990 йил июнь ойида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. У янги Конституцияни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Декларацияда шу даврда ҳокимиятнинг қўлдан бермаслик учун чиранаятган СССР Олий Совети қабул қилмаган қарорлар Ўзбекистон Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ҳудудида қўлга кириши, республика ўзининг тараккиёт йўлини, ўз номини ўзи белгилаши ва давлат тисолларини — герб, байроқ, мадҳиясини ўзи таъсис этиши қайд этилди.

1991 йил 31 августда тарихий воқеа рўй берди — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинди.

1992 йилнинг 2 июлида Олий Советнинг ўнинчи сессиясида янги Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишга қарор қилинди. Ўша йилнинг 26 сентябрида 158 моддадан иборат Асосий Қонун лойиҳаси илк бор муҳокама учун матбуотда эълон қилинди.

Муҳокамада юртдошларимиз фаол қатнашдилар. Минглаб таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дастлабки муҳокама жараёнидаги фикрлар ва таклифлари инобатга олинган ҳолда тайёрланган янги Конституция лойиҳаси 1992 йилнинг 21 ноябрида яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Президентимиз Конституциянинг ҳар бир моддасини чуқур асослаш ва такомиллаштиришга бевосита бош-қош бўлди.

Янги келган таклифлар умумлаштирилиб, лойиҳа 1992 йил 8 декабрда Олий Совет сессияси муҳокамасига киритилди. Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва ушбу кун умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқини 1992 йил 8 декабрда ўз мустақил давлатининг мустақам ҳуқуқий пойдеворини қўйди. Бу

тарихий ҳужжат дунё харитасида янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги далилини, унинг давлат бошқаруви ҳамда демократик ҳуқуқий жамият бунёд этиш мақсадида танланган йўлининг асосларини акс эттирди.

Конституциямиз жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради. У демократия гоёларига ва халқро ҳуқуқ нормаларига мослиги жиҳатидан ҳам энг мукамал конституциялар қаторидан ўрин олди. Унда халқчиллик, инсонпарварлик, тенглик, одиллик тамойилларига алоҳида эътибор берилган.

БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқро пакт ва бошқа умумэътироф

этилган ўттиздан зиёд энг муҳим халқро ҳужжатлардаги қоидалар Бош Қонунимизда ўз ифодасини топан.

Конституциямиз замон билан ҳамкадам юрвучи, эзгу гоёларни ўзида ифода этган мўътабар ҳужжатдир. Асосий Қонунимизнинг энг катта ютуқларидан бири — унда инсон улуғланади, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи даражали вазифа сифатида қайд этилади.

Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиши учун ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароит яратилишига эришилди.

Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, улар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Асосий Қонунда қўлпартиявийлик, сиёсий плюрализм (хурфирқиллик) институтлари мустақамланиши ижтимоий-сиёсий ҳаётда муайян бир партиянинг ҳар қандай қўринишдаги яккахокимлигига чек қўйди.

Барча фуқароларнинг виждон эркинлиги қафолатланиши, диний эътиқод ва диний ташкилотлар фаолиятига монелик қилувчи тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳам аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ўзбекистон Конституциясига халқ давлат ҳокимиятини бирдан-бир намбаи, инсон эса жамиятнинг олий қадриятидир, деган гоёлар сингдирилган. Халқ ҳокимиятичилиги, шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги моддалар Конституцияда алоҳида ўрин тутди. Улар мамлакатимизда демократик асосда ривожлантириш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш концепциясининг таркибий қисмидир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши биринчи марта амалда таъминланди.

Конституцияда мустақамлаб қўйилган суверен республика, халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларини тан олиш, республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тили, урф-одатлари ва аънааналари ҳурмат қилиниши таъминлаш, халқ манфаатининг устуности, виждон эркинлиги ва бошқа қатор гоёлар Юртбошимиз томонидан илгари су-

рилган.

Президентимиз Ислам Каримов таклифи билан олий қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлиси, жойлардаги бошқарув институти ҳокимлик, уларнинг раҳбарлари — ҳоким, деб аталди.

Қонун тайёрлашда ҳар бир халқнинг миллий менталитети ҳисобга олинади. Бош қонунимизда оила ҳуқуқиди маасала алоҳида бобга ажратилганлиги халқимизнинг миллий хусусияти билан уйғундир. Оила-жамиятнинг ўзаги, бўғини деган маънони билдиради. Давлатнинг туб маъноси - халқ. Ҳар бир инсон аввало оилада тарбия олади. Демак, жамият тараккиётга ўз ҳиссасини қўшадиган шахсининг фаолияти унинг оиладаги тарбиясига боғлиқдир.

Конституциямизнинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Давлат эса жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имконият яратиб беради. Сиёсий партиялар турли табақа ва ғруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Асосий Қонунимиз моҳиятига сингди-

риритишни тақозо этди. 2002 йилнинг январь ойида ўтган референдумда халқимиз мамлакатда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари мuddатини узайтириш гоёсини қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис халқнинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлари қабул қилди. Бу қонунларда бўлсув парламентнинг ҳар иккала палатасини шакллантириш тартиби, ҳар бирининг ваколатлари ва бошқа масалалар аниқ белгилаб қўйилди.

Иккинчи қақирик Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида эса «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартишлар, аввало, давлат ҳокимияти ташкил этилишини тартибга солувчи нормаларга, яъни Олий Мажлис ва палаталарнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мақоми ва ваколатларига тааллуқлидир. Бу ўзгартишлар мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор ваколатларини ўзгартириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартибини ва унинг фаолиятини ўзгартириш билан боғлиқдир.

Қонунчилик палатаси, Олий Мажлисининг ҳозирги ишлаш шаклидан фарқли ўларок, доимий ишлайдиган орган сифатида жорий қилиндики, энди депутатлар бевосита қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланидилар. Конституция ва сайлов тўғрисидаги янги қонунларга мувофиқ янги таркибдаги Олий Мажлис сайловчилар сонига асосан тузилган сайлов округлари бўйича Қонунчилик палатаси ва ҳудудий вакиликка асосан юқори палата — Сенат шакллантирилиши унинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлагандек, «Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилиш ва сазй-ҳаракатларининг ҳолис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий қафолатларни яратди, деб айтишга барча асосларимиз бор».

Жаҳоннинг қўлгина мамлакатларида икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. АКШ, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Германия ва бошқа давлатлар шулар жумласидан. Бундай парламентда демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ ўз ифодасини топади.

Шу тўғрисида парламентнинг нуфузи янада ортади. Умуман, икки палатали парламент тизимида ўтиш мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши шубҳасиз.

— Конституция муҳофазага муҳтожми? Унинг ижроси қандай қафолатланади?

— Дарҳақиқат, Конституциянинг ижросини таъминловчи, уни турли хилдаги бузишлардан, ҳар хил «сиёсий ўйинлар» таъкидаги ўзгартишлардан муҳофаза қилувчи, дунё таърибасида ўзини оқлаган конституциявий институтлар Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топан. Булар — Президентлик институти, Парламент, Конституциявий суд.

Конституциямиз 93-моддасининг биринчи бандида Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг қафилдир, — деб белгиланган.

Мустақил мамлакатимизнинг янги Конституцияси қабул қилинган, юртимизда конституциявий ҳуқуқнинг ривожини ҳам янги паллага кирди. Асосий Қонунимизнинг XXII боби суд ҳокимиятига, 108 ва 109-моддалар Конституциявий судга бағишланди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги илк қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинди.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

риб юборилган инсонпарварлик ва адолат принципларига мувофиқ бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш, жинсий ҳазорларни либераллаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Конституция мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, шу жумладан, хусусий мулкни эътироф этди ва уни биринчи марта қонуний тарзда мустақамлаб қўйди. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк дахлсиз, давлат ҳимоясида. Бу ўз навбатида мамлакатимизда хусусий мулкдорлар ва хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорларнинг, қорхоналар ва қўшма қорхоналарнинг иш бошлашига замин яратди. Хусусий мулкнинг Конституция томонидан ҳимояланганлиги ҳорижлик сармоядорларнинг ҳеч бир хавф-хатарсиз Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиши ва қўшма қорхоналар таъсис этишига имкон берди.

Конституциямизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги мустақамлаб қўйилган. Президентимиз таъкидлагандек, оналарни эъозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий қиёфасини белгиловчи мезонлардир. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам Асосий Қонунимиз талабларини рўбга чиқаришнинг бир қўринишидир. Зеро, оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларга меҳр-шафқат кўрсатиш, оила мустақамлиги учун гамҳўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш - буларнинг барчаси халқимизга хос эзгу фикрлар сирасидан.

— Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги Қонунига мувофиқ Конституцияга бир қатор тузатиш ва қўшимчалар киритилди...

— Конституция догматик, қотиб қолган ҳужжат эмас. Конституциямиз инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини, ҳаётнинг туб тамойилларини белгилаб берад экан, ўз навбатида қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳам қучли туртки берилади. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан Конституциявий нормаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган 600 га яқин қонун қабул қилиниб, амалга киритилди. Бинобарин, тараккиётнинг ҳозирги босқичида жамиятнинг олдида турган янги вазифалар Ўзбекистон Конституциясига айрим ўзгартиришлар

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқаб

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тадбир «Конституция — асосий Қомусимиз» деб номланди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кўннинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Матнавийят ва маърифат» марказининг Акмал Икромов туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шаҳримиздаги таъмирлаш муҳтож мактабларни таъмирлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **21-МЕХРИБОНЛИК** уйда Юнусобод туман халқ таълими бўлими, туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорликларида тарбияланувчилар иштирокида КЕЧАДАН «Хуққ ва бурч» мавзусида давра суҳбати ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 5-декабргача давом этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давоми. Боши 2-бетда.

1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Уша йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конституциявий судни сайлади. Унинг ваколатлари ва бевоқифа фаолияти муҳим конституциявий принциплардан бири сифатида суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятидан мустақилдир.

1996 йил июлда Конституциявий суднинг Регламент кўринишидаги процессуал кодекси қабул қилинди. Мазкур суд ҳузурида етук назарий ва амалиётчи олимлар, ҳуқуқшунослардан иборат Илмий-маслаҳатлашув кенгаши шакллантирилди.

2003 йилнинг августида сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунга муайян ўзгаришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди умумий ва ҳужайка судларидан фарқли равишда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятининг қабул қилаётган қонун ва бошқа меъриий ҳужжатларининг Асосий Қонунига мослигини кўриб чиқади, назорат қилади. Уни нотўғри талқин этиш ва шарҳлашдан ҳимоялайди. Конституциявий суднинг қарори мутлақ характерга эга. Унга қўра Конституцияга зид ҳар қандай норма-мақддас қарор қатийдир ва унинг устидан шикоят қилинмайди.

— **Қонунларни амалиётга татбиқ этиш, аввало, уни ўрганишдан бошла-нади. Айниқса, Конституцияни мукам-нал билмай туриб, киши ўзини шахс, шу юртнинг фуқароси сифатида тўла-қонли тасаввур этиши қийин. Юрти-мизда мазкур ҳужжатни ўқиб-ўрганиш борасида қандай ишлар амалга оши-рилмоқда? Сизнингча, Конституцияни ўрганиш доимий юмушимизга айлани-ши учун яна нималарга эътибор бери-шимиз лозим?**

— Конституциямизни қадрлаш Ватани,

халқни, буюк келажагимизни қадрлаш де-макдир. Бу хусусда Юртбошимиз «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимиз-нинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор», деб бежиз айтмаган.

Юнон мутафаккири Гераклит таъбири билан айтганда, халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза этувчи девор сифатида ҳимоя қил-моғи лозим. Конституцияни билиш, чуқур ид-рок этиш, унга амал қилиш ҳар биримиз-нинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлодининг ҳуқуқий онги, тафаккури ва мада-ниятини шакллантириш ҳамда юксалтириш, Асосий Қонуниимизни билиш, унинг мазмуни ва моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда му-ҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Фармойишида Қорақалпоғистон Республика-си Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идо-ралар, ўқув муассасалари, жамоат ташки-лотлари ва оммавий ахборот воситалари зиммасига Конституциянинг мазмун-моҳия-ти, ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва та-швиқот ишларини олиб бориш юклатилган. Уларга фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ма-даниятини юксалтириш учун зарур чора-тад-бирлар белгиланган ва амалга оширилиши таъминлаш топширилган.

Бу борада муайян ишлар амалга оши-рилмоқда. Бугунги кунда болалар богчаси-дан бошлаб Конституцияни ўрганиш таш-кил этилган. Мактаб ўқувчилари, талабалар учун махсус дарсликлар тайёрланган. Кон-ституциямизнинг маъно-мазмунини, халқ-миз ҳаётининг ўрнини нафақат ўсиб келаёт-ган авлод, балки ҳар бир юртдошимиз ан-глаб этиши зарур. Чунки у маънавий-ма-даний эҳтиёжларни, ватанпарварлик туйғу-ларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виж-дони ва диёнатини ўзида мужассамлаштир-ган бўлиб, биз учун муқаддасдир.

Конституцияни ўрганиш, унинг моҳияти-ни теран англаш йўлида эришилган ютуқла-римизга қарамасдан, бу борадаги ишлари-миз ҳали талаб даражасига етгани йўқ. Дав-лат ва жамоат арбоблари, ҳуқуқшунос олим-лар, мутахассислар оммавий ахборот воси-таларида, турли анжуман ва мулоқотларда Асосий Қонуниимиз тўғрисида батафсил сўзламоқдалар. Унда ифода этилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ҳақида мақолалар, рисолаҳо китоблар чоп этилаёт-тир.

Адолатли демократик давлат қуришга жазм қилган эканмиз, аввало, ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни яхши билишимиз керак. Ҳар бир киши инсон эркинликлари айни вақтда муайян бурч, масъулият ва мажбури-ят эканлигини ҳам чуқур ҳис қилмоғи зарур.

Ҳуқуқий билимлар ўзи учун ҳаётий зару-рат эканлигини тушуниб етмоғи лозим. Ана шундангина жамиятимизда ҳар ким ўзининг кадр-қимматини, бурч ва масъулиятини чу-қурроқ англайди. Шу озод ва обод юртда яшаётганидан фахрланади, миллий гуру-ри ортади.

Энг муҳими, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англа-ган инсонгина истиқлол берган энг улуг ҳуқуқ — Ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга, уни мустаҳкамлашга қодир бўлади.

Конституцияни ҳуқуқий саводхонликнинг алифбоси десак, хато қилмаймиз. Ҳар бир инсон Конституция нормаларини чуқур ан-глаши, ўз тафаккурида уларга асосланган эътиқодга эга бўлиши, мақсад ва ниятла-рининг уларга мос бўлишига, ўз ҳаётида улардан уринли фойдаланишга эришиш за-рур.

Хуллас, Конституциянинг мазмун-моҳия-тини одамларга шундай тушунириш лозим-ки, токи бу ҳужжат ҳар бир фуқаро юраги-дан жой олсин. Унга ҳаётимизнинг Асосий Қонуни деб, меҳр билан муносабатда бўл-моғимиз, фарзандларимиз қалбида ҳам шун-дай оксак туйғуларни шакллантиришимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

ЎЗА МУХБИРИ
Норайи ОЧИЛОВ
суҳбатлашди.

Матновлар

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

«Ҳаётда донолик ва билимнинг сира тугақмас қонлари шу қадар кўп эканки, ундан баҳраманд бўлиш учун бутун умрни сарфласа ҳам етмаса керак. Мен ҳаммасини бирдан яхши билиб олишга энтикар эдим...» деб ёзган эди сеvimли шоиримиз Зулфияхоним.

Бугунги кунда шоира айтганидек, билимнинг туганмас қонларидан илм жавоҳирларини излашга интилаётган ўткир эҳтиш, билимдон ёшларимиз кўп-кўп топилади. Мазлумки, респу-бликамизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти халқимизнинг аёлга эътиром

хунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларидан жами мингга яқин қизлар иштирок этишди. Уларнинг 200 нафари танловнинг туман босқичларида қатнашдилар. Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотининг шаҳар комиссиясига тавсия этилган ном-зодлар сони 71 нафарни ташкил этди.

Кўни кеча Ўзбек Мил-лий академик драма теат-рида «Зулфияхоним қиз-лари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Саҳнага навбат билан чиққан қизларнинг чехраларида қувонч, бах-тиёрлик ва хуш кайфият ҳамда фахр-ифтихор туй-ғулари яққол сези-либ турар, саҳна тўрида эса қизлар-га мамнуният ила қулимсираб турган таникли шоира Зулфияхоним-нинг сурати гўё бу доно ва ло-бар қизларга қараб: «Салом, ме-нинг азиз издошларим», дея уларни қўллаётгандек эди.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ра-иси Фарида Абдурахимова сўзга чиқиб, шаҳримиз бўйича ушбу танловга тавсия этилаётган истеъдо-ли қизлар сафи йилдан йилга ортиб бо-раётганини, шу билан бирга бу ўткир билимли қизлар келгусида мус-тақил Ўзбекистонимизнинг янада ра-вақ топшида албатта муносиб ҳисса қўшажакларини таъкидлади ва танлов

иштирокчиларининг бар-часига бахт ва омадлар тилади. Иштирокчилар-нинг ҳар бир чиқишлари-ни нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари одило-на баҳолаб бордилар. Театр фойесида эса санъ-ат йўналиши бўйича қиз-ларнинг тикувчилик, рас-сомлик, зардўзлик, ди-зайнерлик соҳаларида яратган ишларидан кўргазмалар намойиш қилинди.

Ниҳоятда тантанали ва қизиқарли ўтган танлов сўнгиде ҳаяжонли дақиқалар бошланиб, ҳайъат аъзолари томонидан голиблар аниқланди. Тошкент тўқимачилик ва эн-гил саноат институти II-курс талабаси Ла-тофат Қодирхонова (маданият), М.Тур-сунқўжаева номидаги тиббиёт коллеже талабаси Мухлиса Зокирова (адабиёт), Миробод туманидаги 110-мактаб ўқув-чиси Лейла Байкенова (санъат), Шай-хонтоҳур туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Рухсора Жалилова (таълим), Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети-



Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод деб топилди, танловнинг Рес-публика босқичига йўлланма олдилар. Биз ҳайъат аъзоларининг ушбу танлов бўйича фикр-мулоҳазалари билан ўртоқ-лашдик.

● **Кумри АБДУЛЛАЕВА,** педагогика фанлари доктори, профессор.

— Икtidорли ёшлар бизнинг кела-жагимиз, улар ҳаётимиз кўрки ва фах-ридирлар. Мана бу йилги танловда иш-тирок этган билимли, доно ва зук-ко қизларимизнинг сони ўтган йилга нисбатан яна ҳам ошганли-гидан жуда қувондим. Чунки Зул-фияхоним издошлари кўпаймоқ-да. Бугунги танловда ҳам бу қиз-ларнинг ниҳоятда ўткир билими, истеъдодлари, гўзал хунарлари-нинг гувоҳи бўлдим. Қизлар ёш бўлишларига қарамай бир неча ки-тоблар муаллифи, баъзилари ил-мий изланишлар билан банд, яна бошқалари санъат ва маданият йўналишлари бўйича катта истеъ-дод соҳиб эканликларидан хур-санд бўлдим. Истардикми, келгу-сида мана шундай оқила ва лобар қизлар сафи кенгайиб боравер-



нинг халқаро журналистика факультети талабаси Ойдин Садуллаева (таълим), Тошкент Давлат юридик институтининг 1-босқич магистранти Наргис Мейлиева (фан), Тошкент Давлат техника уни-верситети 1-босқич магистранти Ольга Катеринич (фан) йўналишлари бўйича

син.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА. «Зулфияхоним қиз-лари» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



қўрсатиш, аёлни муқаддас билиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашда-ги беқийс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол ва оқила, доно хотин-қизлар авлодини камол топтириш, улар орасида икtidорли ёшларнинг адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълимни ривожлантиришдаги ютуқлари, улар-нинг кенг қўламли ислохотларни жа-даллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида тавсия этил-ган. Танловда фақат 15 ёшдан 25 ёшга-ча бўлган қизлар қатнашимокда. Ша-ҳримиз бўйича жорий йилда танловнинг илк босқичларида пойтахтимизнинг олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-



ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙЛИК!

Фидокорлар миллий демократик партияси 1998 йилда ташкил топган бўлиб, 1999 йилда Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда иштирок этган.

Партиямиз сафида ҳозирги кунда 61 мингдан ортиқ аъзолар бор. Уларнинг 36 фоизини хотин-қизлар, 60 фоизини — ёшлар ташкил этган.

Партиямиз аъзолари ичида бешта академик, қирқта фан докторлари, икки юзга яқин фан номзодлари бор.

Фидокорлар партиясидан 1999 йилда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлисга 54 та депутат сайланган эди. Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатларнинг 40 фоизидан кўпрогини фракциямиз аъзолари ташкил этади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 90 дан ортиқ қонун, 300 га яқин қарорлар қабул қилди, 270 га яқин қонун ҳужжатларига 1200 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқишда партиямиз фракцияси аъзолари фаол иштирок этдилар.

Фракциямиз аъзолари қонунлар лойиҳалари юзасидан 1500 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар киритдилар. Олий Мажлис сессияларида фракциямиз аъзолари 150 мартадан ортиқ сўзга чиқдилар.

Фидокорлар партияси ўз атрофида фидойилик йўлини танлаган, ватан тараққиёти, юрт истикболи ва миллат раънақи йўлида барча қийинчиликларни енгишга тайёр турган фуқароларни тўплайди ва ана шундай авлодни, ана шундай кишилар қатламини жамиятда кўпайтириш учун курашади.

Фидокорлар миллий демократик партияси фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштиришга, уларни жамиятнинг ҳаракатлантурувчи кучига айлантиришга интилади.

Партия, хусусан, ўз аъзоларини сайловолди сиёсий жараёнларида фаол бўлишга ҳамда куйидаги фундаментал тамойилларнинг ҳаётий мақомини мустаҳкамлашга давбат этади:

— Демократия. Конституциямизнинг «Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ» деган принципи асосида ҳокимиятнинг барча бўғинларини сайловчилар олдига мунтазам ҳисоб бериб борувчи тизимга айлантириш, улар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда кўппартиявийликнинг ролини ошириш, фуқаролар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятидаги фикрлар ва дунёқарашлар хилма-хиллигини сақлаб қолтириш ва янада кучайтириш,

— Эркинлаштириш. Ижтимоий, ҳўжалик ҳамда молиявий фаолият эркинлигини таъминлаш, хусусий мулкчилик ҳимоясини эркинлаштиришнинг асоси деб билиш.

— Адолат. Ҳар бир фуқаронинг салоҳияти ва имкониятларини рўйбага чиқариш учун зарур шароитлар яратиш, барчанинг Конституция ҳамда қонунлар доирасида яшаши ва фаолият олиб боришига эришиш.

Ушбу тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш орқали партия ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини юксалтириш учун курашади. Шу йўл билан бутун салоҳияти ва имкониятларини ўтиш даври учун зарур

бўлган кучли давлатни бундан кейинги барқарор ривожланишнинг гарови — кучли жамиятга айлантиришга йўналтиради.

Фидокорлар миллий демократик партияси ўзининг навбатдаги беш йиллик ҳаракат дастурини партиядан сайланган депутатлар иштирокида парламент ва маҳаллий вакиллик органлари орқали амалга ошириш учун курашади.

Партиянинг **сайловолди ҳаракат дастурида** куйидагилар алоҳида ўрин тутди:

— ижро этувчи ҳокимият тизимида марказ билан маҳаллий давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ваколатларнинг умуммиллий манфаатларга

ий ҳаракат қиламиз.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат дастурларининг ижро этилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Экологик вазиятни соғломлаштириш, Орол муаммоларини ҳал этишни бугуннинг долзарб вазифаси деб биламиз. Саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг самарали тизимини вужудга келтириш тарафдоримиз.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг изчил бажарилишида фаол иштирок этамиз. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишда, айниқса, тест тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жамоатчиликнинг уни назорат қилишдаги иштирокини янада фаоллаштириш тарафдоримиз.

Маданий тараққиётни кўпмиллатли мамлакатимиздаги маданиятларнинг ўзаро уйғунлашуви кўзгуси орқали тасаввур этамиз. Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларни умуммиллий маданий тараққиётдан манфаатдор ва унинг ривожига дахлдор, деб биламиз. Ана шу дахлдорлик ҳисси ва масъулияти мамлакатимиздаги миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенгликнинг таянчи эканлигига ишонамиз. Биз Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг миллий аъналарини, маънавий меросини бешикаст сақлаш ва янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз ахборот майдонида демократик тамойиллар ва эркинликларни янада чуқурлаштириш учун бундан кейин ҳам курашамиз. Сўз эркинлиги, эркин шахс ва эркин жамият тамойиллини ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш йўлидан борамиз.

Ўзбекистон Республикаси шон-шўхратини спорт майдонларида ҳам оширишга интиламиз. Янги парламентда соғлом турмуш тарзи тамойилларини жамият ҳаётига янада чуқурроқ татбиқ этишга ҳаракат қиламиз. Болалар спортини ривожлантириш, болалар ва ўсмирларни турли спорт секциялари, клублари ва мактабларига жалб этишни муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик бўлиши тарафдоримиз. Кўпмиллатли мамлакатимиз тараққиёти ва буюк келажаги учун миллати, элати, диний эътиқоди ва касбу коридан қатъи назар ҳар бир фуқаро масъул деб ҳисоблаймиз.


Ўзбекистоннинг XXI асрда қандай мавқега эга бўлиши ҳар биримизнинг бўлажак сайловлардаги иштирокимизга, ҳақиқий ватанпарвар, эл дарди билан яшайдиган, унга малҳам бўладиган, элим деб, юртим деб жон куйдираётган фидойи инсонларни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлашимизга боғлиқ. Зеро, ҳар бир сайловчининг иқтидорли номзод учун ҳолис ният билан берадиган овози — ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги амалий қадамдир.

Ҳурматли сайловчилар!

Фидокорлар партиясидан депутатликка кўрсатилган номзодларга овоз бериш!

Партиямизнинг кучи унинг сиздек эътиқодли, оқ-қорани яхши биладиган, оқил ва доно тарафдорлари ҳамда хайрихоҳлари борлигидадир, деб ишонамиз!

ПАРТИЯНИНГ БОШ МАҚСАДИ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ



**Ахтам
ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон
Фидокорлар
Миллий
демократик
партияси
Марказий Кенга-
шининг биринчи
котиби**

мос равишда мантиқий бўлинишига эришиш, бунинг учун марказий давлат органлари зиммасидаги муайян функцияларни маҳаллий давлат органлари ва жамоат ташкилотлари зиммасига изчил ўтказиб бориш;

— давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлиниш ҳамда уларнинг бир-биридан мустақил бўлишини таъминлаш, ҳар бир тармоқнинг бевосита Конституция ва қонун доирасида фаолият кўрсатишига эришиш;

— қонун олдига барчанинг тенглигига эришиш, яъни инсон ҳуқуқларининг амалдаги ҳимоясини ривожланган демократик давлатлар даражасига етказиш, шахсни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш.

Фидокорлар партияси келажакка истиқбол эгалари — ёшлар назари билан қарайди. Ёш авлод тақдирига алоҳида масъулият билан ёндошади. Уни ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаш учун курашади. Ёшларнинг юксак маърифатли, билимдон, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук ва маънавий баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга, уларнинг келажаги порлоқ бўлишига интилади.

Биз давлатнинг муайян функцияларини босқичма-босқич нодавлат ташкилотларига ўтказиш йўлидан борамиз. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштиришга интиламиз. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш зарур деб ўйлаймиз. Коррупция, уюшган жиноятчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, бюрократизм каби иллатларга қарши курашни кучайтириш ва қонунчиликни шунга йўналтиришга қатъ-



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Халқимиз фаровонлигига эришиш — Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши гаровидир

Латиф Якубович Гулямов 1956 йилда туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзоди Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган ва 9-Бодомзор сайлов округи бўйича рўйхатдан ўтган.

кин ва бу ихтиёрий ва онгли равишда қилинса тўла нормал ҳолат ҳисобланади.

Агар инсон флюгер каби шамол эсишига қараб конъюнктура нуқтаи назаридан бир партиядан иккинчи партиёга ўтса, буни албатта ижобий ҳол деб бўлмайди. Уйлашми-ча, ўз шахсий манфаатини кўзлаб саккиз-ўн йил ичида ўз партиявий мансублигини уч ёки тўртинчи мартабага ўзгартирган кишини ўз сафига жалб этган у ёки бу партия ҳеч нарсани ютмаса керак.

— Сизнингча, бугунги кунда қонунчилик органи даражасида қандай долзарб масалалар ўз ечимини топиши талаб этилади?

— Биринчи галда биз ўйлаймизки, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини мунтазам индексация қилиш юзасидан давлат дастурини тайёрлаш лозим. Бу борада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, «Фуқароларнинг давлат томонидан пенсия билан таъминлаш тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа турдош қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш керак.

Шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан ҳам биз ўз вазифамизни белгилаганмиз. Бизнинг бўлажак депутатларимиз Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахт аҳолисини иш билан таъминлаш дастурини қабул қилиш бўйича ташаббус билан чиқадилар, ишлаб чиқариш объекти хусусийлаштирилиши ҳамда янги мулкдорларнинг ўз инвестицион мажбуриятларини бажариши юзасидан таъсирчан депутат назоратини ўрнатадилар. Биз қонунчилик даражасида умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлири, ҳарбий хизматга ўтаганлар, ногиронлар, кўп болали аёлларнинг банд бўлишининг ишончли кафолатини таъминлашимиз зарур. Бундан ташқари, ишлаган пенсионерлар пенсия тўловлари қисқартирилишининг қонунчилик даражасида олдини олиш, ички ва ташқи меҳнат миграциясининг меъёрий-ҳуқуқий мувоzanати самарадорлигини оширишга эришимиз зарур. Умуман олганда, партиянинг сайловолди платформасида амалдаги қонунчилик негизини такомиллаштириш бўйича кўп тақлифлар ўз ифодасини топган.

— Партияларимизга бугунги кунда нима етишмайди?

— Шуниси муҳимки, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари томонидан ўзига эҳтиёж борлигини хис қилиши керак. Партиялар ҳам, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳам агарда сиёсий партиялар томонидан сайланган депутатлар корпуси Тошкент шаҳар Кенгаши доирасида муҳим шахар муаммолари ҳал этилишига фаол жалб этилса, фақат ютади.

— ЎзХДП бўлажак сайловларга қандай тайёргарлик кўрмоқда?

— Амалдаги сайлов қонунчилиги сиёсий партияларнинг сайловларда самарали иштирок этиши учун етарли шарт-шароитларни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз. Табиийки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, бошқа сиёсий партиялар каби Қонунчилик палатасида ҳам, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида ҳам салмоқли депутатлик ўрнига эга бўлишга интилади. Аммо қонунчилик, тегишли имкониятни яратган ҳолда барча сиёсий партиялар учун бир вақтнинг ўзига тенг натижани кафолатламайди ва уларнинг биронтасига бир томонлама устунлик бермайди.

Бинобарин, сайловларда сайловчиларнинг овози учун кучли рақобат кураши кутилмоқда. Биз бу курашга ҳозирги вақтда тегишли равишда тайёргарлик кўрямиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши 2004 йил сайлов кампаниясида иштирок этиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида етакчи ўринни эгаллашга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида партиянинг ўз дастурий мақсадлари ва уни қўллаб-қувватлаётган сайловчилар манфаатларини рўйбга чиқариш учун зарур меъёрий ҳужжатларни қабул қилишга таъсир кўрсата олиши таъминланади. Уйлайманки, биз томондан Халқ демократик партияси, унинг дастури ва сайловолди платформасини муносиб кўрсата оладиган кучли номзодлар корпуси тавсия этилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йилнинг 1 ноябрида ташкил топган. У Мустақиллик тенгдоши, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар орасида энг каттаси ҳисобланади. Партиянинг ташкилий тузилиши, мақсад ва вазифалари, бугунги сайловолди фаолияти ҳақида махсус мухбиримиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Латиф Гуломов билан суҳбатлашди.

— Ўтган вақт давомида 1991 йилдаги таъсис съезидан ташқари, партиянинг II (1994 йил, октябрь), III (1999 йил, октябрь) ва IV (2004 йил, ноябрь) съездлари бўлиб ўтди. Биринчи ва учинчи съездларда ЎзХДПнинг янги таҳрирдаги дастурлари қабул қилинди, съездлар партиянинг Низомига тегишли ўзгартиришларни киритди. Шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган съезд партиянинг сайловолди платформасини тасдиқлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида 580 мингдан зиёд аъзолар бор. Бизнинг партия ташкилотларимиз 64 миллат вакилларини ўз сафларига бирлаштиради.

Ҳар йили қаторимизга 20 мингга яқин киши қўшилади. Уларнинг ярмидан кўли хизматчилар, 40 фоизи — аёллар. Партия сафларига ёш авлодни ҳам фаол жалб этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Партия аъзоларининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади.

Партиянинг дастлабки шаклланиш босқичида тузилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти энг йирик ҳисобланади, унинг 1600 та бошланғич ташкилотларга бирлашган 50 мингдан зиёд аъзолари бор. Пойтахт ташкилоти таркибида 11 та туман, шунингдек туман даражасидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг худудий ташкилоти фаолият юритмоқда.

Меҳнат кишининг ва ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий фаровонлиги, миллати, ижтимоий мавқеи, сиёсий ҳамда диний эътиқодидан қатъи назар инсонлар учун тинч ҳаёт, кадр-қиммат, конституциявий ҳуқуқ ва фуқаролик эркинликларининг кафолатланиши, тенг имкониятларнинг ишончли таъминланишини Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг бош мақсади деб ҳисоблайди.

— Бугунги кунда партиялар фаолияти анча жонланди. Буни, албатта, фақат қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо нима учун бошқа партиялар қаторида ЎзХДПнинг ҳам кейинги йиллар давомида фаолияти унчалик сезиларли бўлмади?

— Биринчидан, «Парламентда кўпчиликка эга бўлмасак, нима ҳам қилишимиз мумкин?» деган ақида ўз ишини кўрсатди. Ҳолбуки, бу ўтган сайловларда партияимиз учун овоз берган сайловчилар олдида ўзимизга бўлган ишонччи баҳолашга баҳона бўла олмайди.

Иккинчидан, нафақат партияларнинг фаолияти жонланди, балки уларга оммавий ахборот воситаларининг эътибори ҳам сезиларли даражада ошди. Бу масалада яқин-гача мавжуд бўлган ахборот бўлиши шароитида кўпчилик Европа давлатлари ёки яқин қўшни мамлакатлардаги партияларнинг ҳаётидан воқиф бўла туриб, бироқ ўзимиздаги партиялар фаолияти хусусида даярли ҳеч нарсани билмасди.

Учинчидан, бугун кузатилаётган жонланish юз бериши учун маълум шарт-шароитлар аввало қонунчилик даражасида вужудга келиши керак эди. Энди парламент ислохотини ўтказишга меъёрий-ҳуқуқий асосни яратувчи қонунларни қабул қилиши билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлмиш сиёсий партияларга бўлган эҳтиёж ҳам анча ўсаётир. Бу эса табиий равишда улар фаолигининг ошишида ўз аксини топади.

— Партиянинг тўртинчи съезидида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг сиёсий йўналишини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида белгилагани ҳақида таъкидланди. Бунга биров изоҳ бериб ўтсангиз.

— Ушбу саволга тўлалигича бизнинг сайловолди платформамиздан жавоб олиш мумкин.

Сўл сиёсий кўринишдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнатқашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчилар ва шифокорлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодаловчи ва химоя этувчи сиёсий нуқтаи назарини сақлаб қолади.

Партия ҳар бир аниқ босқичдаги ўзгаришлар натижаларининг асосий мезони ушбу босқичда эришилган турмуш даражаси билан ўлчаниши лозим деб ҳисоблайди. Бунда баҳолаш асосига фақат расмий статис-

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ — БОШ МЕЗОН



**Латиф
ГУЛЯМОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик
партияси Тошкент
шаҳар Кенгаши-
нинг биринчи
котиби**

тиканинг кўрсаткичлари эмас, балки Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддасига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинган мезон ҳам олиниши лозим. Биз бу борада аниқ механизм яратилиши, шунингдек, пенсиялар, бошқа ижтимоий нафақалар, стипендиялар, меҳнат даромадларини солиққа тортиш негизи, банк омонатлари тегишли равишда индексация қилиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

— Ўзбекистон сиёсий майдонида бешта сиёсий партия мавжуд. Ҳар бирининг ўз мафқураси бор, лекин пировард мақсади ягона — тинчлик, барқарорлик, фаровонлик. Сиёсий партиялар ўртасида рақобат бўлиши керакми (гап соғлом рақобат тўғрисида кетмоқда)? У қандай шароитларда амалга оширилиши ва сезилиши мумкин?

— Албатта, партиялар ўртасида цивилизацияга асосланган рақобат зарур. Зеро, бир-бирига ўхшаш стратегик мақсадларни кўзлаган бешта партиянинг ҳар бири уларга эришиш йўлларини турлича белгилайди ва турли ижтимоий табақаларга таянади. Бу ҳақда мен аввал ҳам гапириб ўтгандим.

Партиялар ўртасидаги баҳснинг илк белгилари бугунги кунда намоян бўлмоқда. Кейинчалик у янада кучайиб бораверади ва айни чоғда сайловолди ташвиқоти пайтида ўзининг чўққисига етади. Бироз вақтдан сўнгра Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳлари ўртасидаги рақобатларга айланади.

Бу борада шунини унутмаслик керакки, партиялараро рақобат қачонки унинг асосида бир томон иккинчи томонни обрўсизлантириши эмас, балки жамиятдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан турли нуқтаи назарларнинг беллашуви ётгандагина соғлом ҳисобланади.

— Бугунги кунда бир партиядан иккинчи партиёга ўтиш ҳоллари кузатилмоқда. Бунга ўз нуқтаи назарингизни билдирсангиз.

— Биз ҳар бир кишининг истаган сиёсий партиёда бўлиш ёки ҳеч қайсисида бўлмаслик ҳуқуқини тан оламиз. Демак, инсон маълум босқичда ўз сиёсий қарашларини ўзгартириши ва бошқа партиёга ўтиши мум-

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ
Домо бўлур...

• ХИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Хинд рожаши, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён илғаи тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ наҳомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!»

Назм:

Айтилмаган сўздан наҳомат етмас, Сўз айтилган, ундан зарар юзланар!

Хинд рожаши ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён илғаи терди-ю деди: «Сўз ўқи баён камонидан хали отилмаган экан у меннинг қўл остидадир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эғалик қилолмайман!»

Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан, Айтилгани қачон тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Хар сўз ўқи камондан ўчса ва хар қалима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом ҳаёлликдир!»

Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни, Истаганда айтсанг бўлади сўзни!

Чин фағфури сўз бўстонида гулдаста ҳозирлаб, тўхфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри меннинг изимдадир. Бордию, у тил ошёнасида парвоз қилса ҳеч қачон уни тугиб бўлмайди».

Байт:

Қуш қафасдан учиб кетганда хар дам, Тутаман деб уни торتماгин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб қиради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади.

Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон, Соҳибнинг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилади, Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

• Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.
• Ёшлиқда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

• Ёшлиқ мастлиги шароб мастлигиндан ортқ.
• Йигит йигитдан йиқилади, аммо таълим бўлмайди.

• Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яши.
• Тинимсиз зибратдан малоллик туғилади.

• Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.
• Хар қуш ўз овозидан шодланади.

Байт:

Яхшилар айбидан кўз юмган хар он, Ҳасад кўзи билан боқмағил зиён.

Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч, Ўзгага бир бор ҳам кўз очишдан қоч!



Обука — 2005

ҚИЗИҚАРЛИ ФИКРЛАР, ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи 2000 йилда ташкил топган бўлиб, келажагимиз бўлимиш ёшларнинг замонавий билимларни чуқур ўзлаштиришлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган.

Аник, ихтимосий-гуманитар ва табиий фанларга ихтисослашган ушбу таълим масканида энг сўнги русумлардаги «Пентиум-3» ва «Пентиум-4» компьютерлари

ва илмий китоблар, ўқув қўлланмалари бор.

Академик лицейда илм-фан заҳматқашлари, матбуот ходимлари, таниқли адиблар билан мулоқот ва ўқувчилар ўтказиш хайрли анъанага айланган. Навбатдаги «Маънавият куни» да мана шундай қизиқарли ўқувчилардан бири бўлиб ўтди.



билан жиҳозланган иккита компьютер хонаси, Жанубий Кореядан келтирилган видеоқўз, мультимедия, телевизорлар ва бошқа техник анжомларга эга физика, астрономия, химия ва биология лабораториялари, синф хоналари мавжуд. Лицей Интернет тармоғига уланган. Кутубхонада эса 8 мингга яқин бадий

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан академик лицей ўқувчи ва ўқитувчиларининг бу галги меҳмони «Тошкент оқшоми» тахририйати вакиллари бўлдилар. Мулоқотни «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими

Жавдат Иноғомов олиб борди. Савол-жавоб, баҳс-мунозара асосида ўтказилган ўқувда матбуот воситаларининг ёшлар тарбияси, маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўқувда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Урта махсус касб-хунар таълими

бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Озода Каримова, лицейнинг ўзбек тили кафедраси мудири Дилфуза Шодиевалар «Оқшом» газеталари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди, шунингдек, тобора яқинлашиб келаётган икки палатали парламента сайловлар тўғрисида ҳам сўз борди, савол-жавоблар бўлди.

Дарҳақиқат, «Тошкент оқшоми» — кўпчиликнинг севимли газетаси. Унинг қизиқарлилиги ҳамда ўзига хошлигини таъминлаётган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Зийрак бобо шаҳар кезади» каби рўқналар машғулотлардаги маънавият дақиқаларида баҳс мавзулари учун асос бўлмоқда. Шу билан бирга, газетонинг зериқтирувчи айрим мақолалар ҳақида танқидий фикрлар, газетанинг оммавийлигини янада ошириш борасидаги ўринли таклифлар билдирилди. Хусусан, айнан ёшларни қандай мавзулар қизиқтириши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга катта эътибор берилди.

Маъмур бевоқифа ўқувчиларнинг фаоллигида ўтгани, қизиқарли саволларга бойлиги билан ажралиб турди. «Оқшом» газеталарининг бош муҳаррири А.Ақромов ўқувчи ва ўқитувчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берди. «Оқшом» тарихига хос лавҳалар, шу газетда меҳнат фаолиятини бошлаган қалам соҳиблари ҳақидаги хотиралар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Умида ШОДИЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи 3-босқич талабаси.
Даврон ИСМАТОВ
СУРАТЛАРДА: академик лицей ҳаётидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Сиёсий портрет

ЯНГИ ЛАВОЗИМГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш наватбадаги тўрт йиллик мўддат учун янги ҳукумат таркибини белгиламоқда. Хусусан, у айна вақтда миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини эғаллаб турган Кондолиза Райс хонимни давлат қотиби лавозимига тавсия этди.

Ақсарият кузатувчилар Кондолиза Райсини катъиятли ва прагматик сиёсатчи сифатида, тавсиялашади. Айни баҳоларга кўра, бу хусусиятлар унинг халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги қарашлари асосида айниқса яққол намоён бўлади.

Хавфсизлик масалаларидан ташқи сиёсат соҳасига юз буриш Райс учун қийин кечмаслиги табиий. Сир эмас, Кондолиза Райс хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида АҚШ ташқи сиёсатининг мазмунига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб келаётган арбоблардан биридир. Собиқ президент Билл Клинтоннинг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган Самуэл Бергер «Нью-Йорк Таймс» газетасига берган интервьюда айна шу хусусида фикр билдириб таъкидладикки, Кондолиза Райс «дипломатия ишини яхшигина эплайди».

Айрим сиёсатчиларнинг баъшоратиға кўра, Кондолиза Райс ўзига хос ёки инглизча таъбир билан айтганда «extraordinary» давлат қотиби бўлади. Уларнинг фикрича, Райсининг табиятан катъиятли ва прагматик характери, қучли илмий ва амалий са-

лоҳияти бугунги кунда АҚШ ташқи сиёсати олдидаги қатор муҳим вазифаларни ҳал этишда, хусусан, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги савий-харақатларда муҳим омил сифатида хизмат қилиши мўмкин.

Шу ўринда айтиш керакки, Кондолиза Райс аслида Буш қомандаси учун бегона эмас. Гарчанд Райс хоним ҳозирги лавозимида 2001 йилдан бўён ишлаб келаётган бўлсада, бундан аввалроқ — 1989 ва 1991 йиллар давомида собиқ АҚШ президенти Жорж Буш маъмуриятининг Хавфсизлик кенгашида собиқ Совет иттифоқи ва Шарқий Европа бошқармасига раҳбарлик қилган. Шунингдек, амалдаги АҚШ президентининг отаси Жорж Буш даврида миллий хавфсизлик масалалари бўйича махсус ёрдамчиси сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

Айна вақтдаги вазифани эғаллағунга қадар эса Кондолиза Райс маълум мўддат АҚШдаги йирик илмий марказлардан бири бўлган Станфорд университетида бюджет ва ўқув масалаларида бошчилик қилган.

Кези келганда доктор Кондолиза Райсининг илмий фаолиятига бир назар ташласак. У 1974

йил АҚШдаги Денвер университетида сиёсий йўналиш бўйича бакалаврлик дипломини олган, 1975 йил эса мазкур соҳа бўйича Ноттердам университетида магистратура курсини тамомлаган. Сўнгра у Денвер университетининг Халқаро муносабатлар институтида ўз илмий излашилларини давом эттириб, 1981 йил докторлик даражасига муносиб топилган. Кондолиза Райс АҚШдаги Алабама, Ноттердам, Миллий мудоффаа университетлари, шунингдек, Миссисипи ўқуқуш-нослик институти каби унлаб илмий марказларнинг фахрий доктори ҳисобланади.

Кондолиза Райсининг илмий-амалий фаолиятига баҳо берганда, бир омилни таъкидлаш керак: АҚШ илмий ва сиёсий доираларида у собиқ Совет иттифоқи ва Шарқий Европа бўйича йирик мухтаassisлардан бири сифатида эътироф этилган. Бу йўналишда у «Ягона Германия ва ўзгараётган Европа», «Горбачев даври», «Мавхум садоқат: Совет иттифоқи ва Чехословакия армияси» каби қатор китобларнинг муаллифи ва ҳаммуаллифи саналади.

Фарход АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА,
Нью-Йорк

Бундан уч йил аввал Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасида кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Тошкентда мазкур шартноманинг бажарилиши ва республикамиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар амалиётига бағишланган ўқувлар ўтказилди.

МАҚСАД — ЮКСАК МАЛАКАЛИ БАНК ХОДИМИ ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатимиз иқтисодий соҳасига малакали кадрларни тайёрлашда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ҳам муносиб ўрни бор. Мазкур билим даргоҳида ўқув-услубий, илмий фаолиятни ривожлантириш борасида талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Университетнинг Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасидаги ҳамкорлик юксак малакали банк ходимларини тайёрлаш ва шакллантиришга доир муносабатларни мустаҳкамлайди. Хар ўқув йилининг бошида талабалар ўртасидан энг иқтидорлилари танлов асосида сараланиб, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига амалиётга жўнатилади.
Инобат ЭҒАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Шарҳловчи тиббари

**АСЕАН-ХИТОЙ:
ЭРКИН САВДО
ХУДУДИ ЯРАТИЛАДИ**

Лаос пойтахти Вьентьян шаҳрида Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) навбатдаги саммити бўлиб ўтди.

Унда ташкилотга аъзо давлатлар етакчилари ҳамда кўшни мамлакатлардан вакиллар иштирок этди.

1967 йил ташкил топган мазкур ташкилотга бугунги кунда минтақадаги ўн давлат - Сингапур, Малайзия, Индонезия, Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Мьянма, Филиппин ва Бруней кирди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларида айтилишича, томонлар сийсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этган.

Вьентьян анжуманида Хитой бош вазири Вен Цзябао, Япония бош вазири Дзюнтэйро Коидзуми ва Жанубий Корея президенти Но Му Хён ҳам иштирок этди. Бунинг ўз саваблари бор, албатта. Сўнгги йилларда ушбу давлатлар АСЕАН аъзолари билан иқтисодий ва сийсий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада айниқса Хитой бошқаларга нисбатан анча илдам.

Ташкилотнинг олдинги анжуманларида Хитой вакиллари эркин савдо ҳудудини яратиш юзасидан ўз таклифларини илгари суриб келар эди. Вьентьян учрашувида АСЕАН аъзолари ва Хитой расмийлари дунёдаги энг йирик эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги битимни имзолади. Бундан ташқари, Хитойнинг Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари билан хавфсизлик, муҳофаа, ахборот технологиялари, транспорт, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлигини кўзда тутувчи «харакат режаси» ҳам қабул қилинган.

Маълумотларга кўра, эркин савдо ҳудудига кирувчи АСЕАН ва Хитой икки миллиард аҳолини ўз ичига олар экан. Шундай улкан нуфузга ва улкан бозорни тасаввур қилиб, келажакда эркин савдо ҳудудининг қанчалик салохиятга эга бўлишини англаш қийин эмас.

Хужжатга биноан, 2010 йилга қадар томонлар ўртасида барча божхона тарифлари бекор қилинади.

Кузатувчилар эркин савдо ҳудудининг яратилиши билан минтақада Хитойнинг фаоллиги янада оша болаётганини баъшорат қилмоқда. Шу вақтгача бу ерда АҚШнинг таъсири анча кучли эди.

Хабарларда айтилишича, учрашувада Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Бали битимига (Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим) қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни имзолаган. Бу билан Россия ҳам мазкур битимнинг номинтақавий аъзосига айланди.

Саммитда шунингдек, ташкилот аъзолари томонидан ишлаб чиқилган «АСЕАНнинг 2020 йилдаги кўриниши» концепцияси маъқулланди ва ушбу ҳужжат Вьентьян ҳаракат режаси номини олди.

Бунда 2020 йилгача минтақада ягона ҳамжамиятни (Европа Иттифоқи сингари) барпо этиш масаласи кўзда тутилган.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси**

КЕЛАЖАККА УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ

— ДЕЙИШАДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ВА КАСБИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ХОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Республикаси ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида» Қонун қабул қилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ногиронлари тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш миллий марказида ҳам сезиларли ишлар олиб боришмоқда.

Миллий реабилитация маркази жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд айрим муаммолар тўғрисида Республика миллий реабилитация марказининг бош директори, тиббиёт фанлари доктори Носир Муҳаммаджонов кўйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугунги кунда марказимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда ногиронларни тиббий, ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ва касбий жиҳатдан реабилитация қилиш масалалари билан шуғулланувчи ягона илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Марказ клиникасида йилга 2 миңтадан ортик ногиронларга реабилитация хизмати кўрсатилади.

МРМ ишининг пойдевори ҳисобланмиш тиббий реабилитациядан ташқари унда ижтимоий, ҳуқуқий, педагогик, касбий ва психологик реабилитация хизматлари ҳам кўрсатилади. Шуниси қувонarliки, республикадаги биринчи бўлиб, айнан МРМда ногиронларни ташхисдан ўтказиш ва психик коррекция (асаб тизимининг фаолиятини яхшилаш) бўлимлари очилди. Мазкур бўлимларда Буюк Британия, Россия, Испания, Руминиянинг етакчи университетларида тахсил олган ва махсус тажрибага эга бўлган юқори малакали психологлар иш олиб бормоқдалар. Уларнинг гайрат-шижоатлари туфайли МРМда реабилитациядан ўтаётган кўпмалар ногиронлар адалий кўникмалар ҳосил қилмоқдалар ва хатто, баъзи ҳолларда қайта касбий тайёргарликдан сўнг, ногиронликдан воз кечиб меҳнат жамоаларига келиб қўшилмоқдалар.

— Носир Зикирович, Миллий реабилитация маркази республикамизда реабилитация бўйича илмий-тадқиқот ва мувофиқлаштирувчи марказ ҳам эканлигини ҳисобга олган ҳолда, газетхонларимизнинг бу ерда олиб борилаётган илмий ишлар билан ҳам қизиқишлари табиий, албатта.

— Миллий реабилитация мар-

казида фаолият кўрсатаётган олимлар тўртта давлат гранти бўйича иш олиб бормоқдалар. Улардан бир қисми новаторлик ишларидир. Хусусан, Ўзбекистонда биринчи марта, Чернобыль АЭС ида ногирон бўлиб қолганларни реабилитация қилиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилмоқда. Мижоз-сервер технологиясига асосланган ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда. Давлат грантлари бўйича олиб борилаётган мазкур ишларнинг натижаси ўлароқ, ногиронларнинг аҳоли ва сони устидан назорат ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида бюджет маблағларини сезиларли даражада тежашга олиб келади. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ва 1-Тошкент тиббиёт институтининг кафедралари билан алоқаларининг мустаҳкамланиши марказнинг муваффақиятли равишда фаолият кўрсатишига имкон туғдирмоқда. Марказда магистратура курси ташкил этилган. 2003 йилдан кундузги аспирантура фаолият кўрсата бошлади. Биз бугунги кунда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг ТМЭ кафедраси билан ҳамкорликда юқори малакали реабилитолог-врачлар тайёрлаш имкониятига эгамиз. Бунинг учун биз энг аввало реабилитация бўйича курс, сўнгра эса, реабилитология кафедраси ҳамда Европанинг етакчи реабилитологлари иштирокидаги сайёр курслар ташкил этишини режалаштирганмиз.

— Халқаро алоқаларнинг қай даражада ривожланаётганлиги ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— МРМ нинг халқаро ташкили ва муассасалар билан алоқалари муваффақиятли равишда

ривожланиб бормоқда. Европада энг кўпна ўқув даргоҳларидан бўлмиш Саламанка (Испания) университети билан шартнома тузилди. Ушбу шартнома орқали мутахассисларимиз мазкур университетдаги ихтисослаштирилган курсларда ўқиш ва малака ошириш имкониятини қўлга киритдилар. Россиядаги етакчи илмий муассасалар, жумладан, ногиронларни экспертиза ва реабилитациядан ўтказиш бўйича Федерал марказ (НЭРФМ) ва Новосибирск реабилитация маркази билан яқин алоқалар ўрнатилди. САЕ, Counterpart international, World concern ва бошқа қатор хорижий инсонпарварлик ташкилотлари ва жағармалари билан ҳам тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятига эгамиз.

Юқорида номлари тилга олинган ташкилот ва жағгармалар томонидан марказимизга қисқа муддат ичида қиймати 500 миң АҚШ долларини ташкил этувчи замонавий тиббий ускуна ва техника воситалари бегараз ёрдам сифатида ўтказиб берилди. Япониядан қиймати 681 750 АҚШ доллари тенг бўлган тиббий техника воситаларини қабул қилиб олдик.

— Биз сизни яқинда Россия тиббий-техника фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганингиз билан қутлаймиз.

— Раҳмат. Лекин, бу нафақат менинг камтарона меҳнатимга, балки Ўзбекистон Республикаси ногиронларни реабилитация қилиш миллий маркази жамоасининг ўз фаолияти давомида бемор ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашдаги хайрли ишда гайрат-шижоат билан меҳнат қилиши эвазига эришаётган ютуқларига берилган баҳо деб ҳисоблайман. Табиийки, бизнинг

фаолиятимизга нисбатан берилган бундай баҳо зиммаимизга улкан масъулиятни ҳам юклайди. Масалан, Россия тиббий-техника фанлари академияси Тошкентда «Бугунги кунда соғлиқни сақлаш амалиётида тиббий техникани қўллаш муаммолари» мавзусида кўргазма-семинар ўтказиш истагини билдирди. Айни пайтда биз ана шу кўргазма-семинарга тайёргарлик кўриш билан бир вақтда ўзимизда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш устида ҳам иш олиб бораёямиз.

Шуни ҳам айтиб ўтишим лозимки, марказимизда ҳалигача ечимини қутиб ётган муаммолар йўқ эмас. Бинобарин, МРМга биринчи навбатда ҳали ногирон бўлиб улгурмаган, ёки, эндигина ногирон бўлиб қолган беморлар юборилиши, яъни бизнинг сийй-харакатларимиз турғун хусусиятга эга бўлган ногиронлиқнинг олдини олишга йўналтирилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ўз вақтида малакали даволашга эришиш мақсадида касаллиқнинг эрта аниқлашга қаратилган тўра чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши, ногиронларнинг энг кўп даражада ва қисқа муддатларда тўлақонли ҳаёт тарзига қайтишларини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик кенгайтирилиши лозим.

Бундан ташқари, тахшис қўйиш ва реабилитация ишларида фойдаланиладиган ускуналар янги-ланса ва таъмирланса ижтимоий-маиший ва ижтимоий-меҳнат реабилитацияси учун устакхона ва цехлар қурилса нур устига нур бўлади.

Умид қиламизки, айнан ушбу Меҳр ва муруват йилида Миллий реабилитация марказининг янги биноси қурилиши ҳақидаги масала ижобий ҳал этилади ҳамда республикамиздаги барча ногирон ва реабилитологларнинг орзулари рўёбга чиқиб, ҳақиқатга айланади. Биз келажакка умид ва ишонч кўзлари билан қарайми!

**Ориф
ШАХОБИДИНОВ
сўхбатлашди**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги айнан қизгин паллада. Пойтахтимиз марказлари, кўчалари, йирик бозорлари, маҳалла гузарларига ёнғин хавфсизлиги қоидалари аниқ ва равшан ёзилган рангли плакатлар, паннолар ўрнатилди. Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ёнғиннинг олдини олиш бўлими ходимлари ўқув масканларида, болалар боғчалари ва маҳалла аҳолиси ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини жадаллаштириш, айниқса болаларни қизиқтириш мақсадида ёнғин техникаларини намойиш этмоқдалар.

ЎҚУВ ЮРТИДА УЧРАШУВ

Маълумки, ёнғинлар аксарият ҳолларда болалар тарафидан содир этилиб, уларга оловдан тўғри фойдаланиш қоидаларини ҳар доим ёслаб туриш ота-оналарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам бурчидир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий мақсадларидан бири — ҳар бир учрашувада ёнғинларнинг олдини олиш, оловдан тўғри фойдаланишни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Шундай қизиқарли ва мазмунли учрашувлардан бири Сергели туманида жойлашган политехника коллежида бўлиб ўтди. Унга ўқув юрти талабалари қаторида туман мактаблари ўқувчилари ҳам таклиф этилди. Сергели тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи подполковник З. Юсупалиев болалар ва ўқитувчиларга содир бўлган ёнғинлар, улардан тан жорхоти олган ва ҳаётдан қўз юмган кишилар ҳақида гапириб берди. Тадбирда хориж-

да ишлаб чиқарилган замонавий ёнғин ўчирувчи техникалардан «Рено» автоцистернаси ва «Мерседес» автонарсонлари коллежнинг очик майдонида намойиш этилади. Автоуловларнинг қай тарзда ишлаши, сув ва кўпик сизими, нарвоннинг қанча метр баландликка кўтарилиши ҳақида болаларга тушунтуриб, уларнинг ишлаши кўрсатилди. Қизилқувчан ўқувчилар нарвонга ва автоуловнинг салоҳига ҳам кириб кўрдилар. Мактаб ўқувчилари ўртасида туман инспектори катта лейтенант Г. Даминов висторина ўтказди.

Тадбир сўнггида ўқувчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари чоп этилган рангли плакатлар ва муурожаатномалар тарқатилди.

**Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар Ички
ишлар бош бошқармаси
Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси муҳандиси,
лейтенант**

**ФОЖИАЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш» тўғрисидаги фармойишида ҳар бир соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад ёнғинга қарши курашни қучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат.

Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Аҳолининг қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очқаланган фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини қўриш.

Белгиланган жойларда чекиш. Юқоридагига ўйлаш қоидаларига риоя қилинса биз уйларимизни,

ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойни, қўлаверса ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Баъзи одамлар ҳондонларидидаги ҳазон ва чиндуиларни тўглаб ёқишга одатланган.

Бу ишни биз катталар оддий ҳол деб кетаверамиз, аслида-чи? Биламиз, болалар катталарга таклид қилишни яхши қўришади.

Улар ўзларини катталардек ҳис қилиб эътиборсизлигимиз натижасида шох-шаббаларни йиғиб ёқишни хуш қўрадилар.

Бу ҳол одатда катта ва кичик фожияларга олиб келиши ҳам мумкин. Кўп қаватли уйлар тева-рагида жойлашган гаражлар олди-оралигида ҳар жил чиндуини ёки қуруқ шакшакларнинг ёш болалар томонидан ёқиб юборилиши кўп кузатилади. Ақсарият ҳолларда эса катталар эътиборсизлик билан уларни кўриб кўрмакликка олиб кетадилар. Бунинг натижасида қанча қулфат ва моддий зарар етказилади. Фарзандларимизнинг тан жароҳатлари олиши ва қўйиши ҳоллари учрайди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олайлик.

**Шокир ЗИЯЕВ,
Харбийлашган ёнғин
хавфсизлиги бўлими
кичик инспектори.**

Спорт

**КАРТИНГ
УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ**

Республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан Ғиждувон шаҳрида картинг бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Турнирда Республикамизнинг саккизта вилояти вакиллари бўлмиш 85 нафар спортчи иштирок этди.

Мусобақалар картингларнинг куйидаги тоифаларида ташкил этилди. Картинг двигатели 50 см³ бўлган «Пионер» тоифасида 9 ёшдан 14 ёшгача, 125 см³ «Усмир» тоифасида 14-18 ёшли, 125 см³ «Союзний» тоифасида 18 ва ундан катта ёшдаги спортчилар, ниҳоят 135 см³ «Ракет» тоифасидаги бахсларда ҳам 18 ва ундан катта ёшдаги картингчилар ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Картинг спорти шаҳримизда ривож топганини ҳисобга оладиган бўлсақ, картингчиларимиз шахсий биринчиликда кўрсатган юқори натижалари бежиз эмаслигига амин бўламиз.

Жумладан, «Усмир», «Союзний» ва «Ракет» тоифалари бўйича ўтказилган бахсларда шаҳримиз вакиллари — 1 тоифали спортчи Фирдавс Жумаев, спорт усталигига номзод Евгений Демешук ҳамда спорт устаси Юрат Девликановлар биринчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, Искандар Девликанов ҳамда Эдуард Зинулин каби тошкентлик спортчилар иккинчи бўлишди.

«Пионер» ва «Формулас» тоифасидаги мусобақаларда Тошкент вилояти вакиллари Максим ва Владимир Ушекаларнинг қўллари баланд келди.

Клублар ўртасидаги натижаларга кўра Хамза туман маркази биринчи ўринни эгаллаган бўлса, яна бир шаҳримиз жамоаси «Спорт-карт» хусусий фирмаси клуби учинчи ўринда мустақамланди.

**ПОЙТАХТ
ФАХРИЙЛАРИ
БИРИНЧИ**

Шаҳримиздаги спорт мажмуаларида баскетбол, волейбол, мини футбол, теннис, шахмат, стол тенниси, кураш ва тош кўтариш бўйича фахрийлар ўртасида анъанавий спартакиада бахслари бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон спорт фахрийлари Кенгаши ва юқоридаги спорт турлари бўйича федерациялар ташкилотчилигида уюштирилган кизикarli спартакиада бахсларида оилавий спортчилар ҳам иштирок этишди.

Спартакиада якунига кўра очколар сарҳисоб қилинганда, биринчи ўринни Тошкент шаҳри фахрийлари эгаллагани маълум бўлди. Андижон ва Фарғона вилояти фахрий спортчилари кейинги ўринларни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Оғир атлетика

**ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР
КЎРСАТИЛДИ**

Шаҳримиздаги МХСК оғир атлетика залида тўрт кун давомида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 200 га яқин спортчилар иштирок этди.

Шуни таъкидлаш керакки, Кубок баҳсларида Фарғона, Наманган, Навоий ва Қашқадарё вилоятлик аёл спортчилар ҳам галаба учун кураш олиб боришди.

Эраклар 8; аёллар эса 7 та вазн тоифаларида ўзаро беллашди.

Ишқибозлар айниқса аёллар ўртасидаги мусобақалари катта қизиқиш билан кузатишди.

48 килограммгача вазнда зарафонлик Махлиё Тоғаева (ўз вазни 35 килограмм бўлишига қарамай) илк бор шундай нуфузли мусобақада иштирок этди. Даст кўтаришда 25, силтаб кўтаришда эса 30 килограмм натижа кўрсатган Махлиё учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, М.Тоғаеванинг келгусида мохир спортчи бўлиб етишишига шубҳа йўқ. Зеро унинг икки акаси Махмуд ва Нурулло Тоғаевлар оғир атлетика бўйича кўп бор йирик мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари бўлишган.

Гулмира Эргашева эса бир йилдан буён оғир атлетика билан шуғулланмоқда. 53 килограммгача бўлган вазнда у иккикураш натижасига кўра 65 килограмм оғирликни забт этди ва турнирнинг кумуш нишони билан тақдирланди.

Шундай қилиб, аёллар ўртасида 48 килограммгача вазнда Елена Асланова, кейинги вазнда Евгения Самиева, 63 килограммгача вазнда Лайло Худойкулова, 58 килограммлар ўртасида Елена Сисоева ва ниҳоят 75 килограммгача вазнда Ольга Подгорнаялар хурмат шоҳуспасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Эраклар баҳсида 18 ёшли бухоролик Фуркат Саидов 94 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида даст кўтаришда 145, силтаб кўтаришда эса 185 килограммлик вазнларни забт этгани ҳолда илк бор спорт устаси талабини бажарди ва Ўзбекистон Кубогининг соҳиби бўлди.



105 килограммдан ортиқ энг оғир вазнда Афинада ўтказилган Олимпиада — 2004 катнашчиси Игорь Халиловнинг бир оз омади келмади. У фарғоналик Андрей Мартемьяновдан бироз ортда қолган ҳолда иккинчи ўрин билан кифояланди.

Эраклар ўртасида куйидаги спортчилар ўз вазнларига оғир атлетика бўйича мамлакат Кубогида галаба қозонишди: А.Сулaimонов, Р.Алпанов, Н.Тоғаев, Б.Мендибоев, М.Чаишмов, А.Уринов.

Барча голиб ва совриндорлар дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Кубоги мусобақаларидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар.

Футбол

ФАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛАДИ

Ниҳоят, миллионлаб мухлисларни ҳаҳжонга солган, гоҳида ранжитиб, гоҳида уларга қувончли онларни тақдим этган жорий йилги футбол мавсуми ҳам ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу мавсумда олий лигада 14 та жамоа иштирок этди. Пойтахтимиз шарофини эса «Пахтакор», «Трактор» ва «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилишди. Мухлисларни қувонтиргани шу бўлдики, олий лигада иштирок этаётган пойтахтимиз жамоалари учун жорий йилги мамлакат XIII миллий чемпионати омадли кечди.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» 2004 йилда ҳам ўзининг сермазмун ўйинлари, ажойиб галабалари билан мухлислар кўнглини шод этиб, турнир жадвалида яна биринчи ўринни эгаллашди. Чемпионат 26 учрашувининг 22 тасида галаба, 3 тасида дуранг натижага қайд этган пахтакорчилар фақат бир мартагина мағлубият аламини тотиб кўришди холос. Тўплар нисбати ҳам мақтаса арзигулик 81-15. Дарвоқе, пахтакорчиларнинг ўз майдонларида бирор марта мағлубиятга учрамаганликлари эса хозирча юртимизда «Пахтакор» жамоасига тенг келадиган рақиб йўқлигини яна бир қарра исботлаб турибди.

Шунингдек, Ўзбекистон Кубогининг финалида «Трактор» жамоаси билан кечган мurosасиз беллашув 3:2 ҳисобида «Пахтакор»нинг галабаси билан ақунлангани мухлисларга маълум. Шу ўринда пойтахтнинг яна бир жамоаси

«Трактор»нинг жорий йилги мавсумда бош мураббий Абрамов етакчилигида чиройли галабалари, сермазмун, бир текис ўйинлари билан мухлислари кўнглини шод этганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ун уч учрашувда галаба нашидасини сурган «Трактор» жамоаси турнир жадвалида бешинчи ўринни банд этди. Тўплар нисбати 46-50. Лекин Ўзбекистон Кубогининг финалида «Пахтакор»га муносиб қаршилик кўрсата олган «Трактор»нинг келгуси мавсумда ҳам сермазмун ўйин намойиш этишига ишониб қоламиз.

Олий лиганинг янги вакили «Локомотив» жамоаси айтиш мумкинки, чемпионат кашфиёти бўлди. Чунки кучлилар сафида илк марта биринчилик бахсларида иштирок этиб, олтинчи ўринни эгаллаш ҳар кимга ҳам насиб этавермади. Ун учрашувда галаба қозонган «Локомотив» олти мартаба рақиблари билан жангавор дурангга эришгани таҳсинга лойиқ. Тўплар нисбати ҳам ёмон эмас. 37-35. Уйлаимизки, «Локомотив»нинг зафарли одимлари ҳали олдинда.

Шунингдек, олий лигада 14 жамоа иштирок этганлигига қарамасдан совринли ўринлар учун бор-йўғи тўрт жамоанинг ўзаро кураш олиб борганлиги кишини ўйлантиради. Чунки футбол ривожини йўлида ислохотлар

самара бериши учун олий лига жамоалари аллақачон профессионал клуб даражасига кўтарилишлари, молиявий жиҳатдан ҳам ҳеч қимга тобе бўлмай, аксинча бақувват жамоага айланишлари зарур. Агар камидда етти-саккиз жамоа олтин, кумуш, бронза медаллари учун кескин кураш олиб бора, ҳар бири маҳорат бобида бир-бирига тенг бўлса, шундагина чемпионатнинг савияси янада кўтарилари, стадионлар мухлислар билан лиқ тўлади.

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Пахтакор»	26	22	3	1	81-15	69
2.	«Нефтчи»	26	21	2	3	61-26	65
3.	«Навбахор»	26	18	3	5	66-23	57
4.	«Насаф»	26	17	3	6	66-31	54
5.	«Трактор»	26	13	2	11	46-50	41
6.	«Локомотив»	25	10	6	10	37-35	36
7.	«Бухоро»	26	10	3	13	31-45	33
8.	«Сўғдиёна»	26	9	2	15	24-47	29
9.	«Машғал»	26	8	3	15	34-43	27
10.	«Металлург»	26	8	3	15	26-48	27
11.	«Қизилқум»	26	6	7	13	28-48	25
12.	«Сурхон»	26	7	2	17	24-52	23
13.	«Самарқанд»	26	6	2	18	25-48	20
	— «Динамо»						
14.	«Андижон»	26	6	1	19	30-68	19

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70,
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқоб, офсет усулида босилди.
2812 нусхада босилди. Кўнра бичини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»мига 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб на шрифталанди.

«Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босямоноси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.